



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2025

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИБ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқулловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Диларам Иноятова НЕМЕЦКАЯ ДИАСПОРА УЗБЕКИСТАНА: СОХРАНЕНИЕ ЭТНИЧЕСКОЙ И КУЛЬТУРНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ.....	5
2. Лазизахон Алиджанова ДИНЛАРАРО МУЛОҚОТ ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ.....	11
3. Umida Azamjonova TARIXIY ME'MORIY YODGORLIKLARNI KONSERVATSIYA VA TA'MIRLASH METODLARI TANLILI (XORIJIY TAJRIBALAR MISOLIDA).....	16
4. Javlonbek Begaliyev O'ZBEKISTONDA SOVET DAVRIDA SAN'AT VA MADANIYAT YO'NALISHLARIDA MUALLIFLIK HUQUQI MASALASI BILAN BOG'LIQ AYRIM MULOHAZALAR (1930-1970 YILLAR MISOLIDA).....	20
5. Azizbek Muminov FARG'ONA VODIYSI TABIIY OBYEKTLARINING TARIXIY-GEOGRAFIK TASNIFI VA ULARNING ZAMONAVIY TURIZM RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI.....	26
6. Фируза Мухитдинова ИНСОННИНГ ЎЗ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ – ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА МУСТАҲКАМЛАНГАН АСОСИЙ ҚОИДА.....	31
7. Sardorbek Rahimberdiyev MEHNAT MIGRANTLARINING IJTIMOIIY HOLATI VA MADANIY IDENTIFIKATSIYASI (KOREYADAGI O'ZBEKLAR MISOLIDA).....	42
8. Baxtiyar Kurbanov 1941-1943-YILLARDA TEMIR YO'L TRANSPORTI ISHINING FRONT VA XALQ HO'JALIGI MANFAATLARI UCHUN QAYTA QURILISHI.....	48
9. Ғайратбек Хайдаров, Мухитдин Саттаров ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ.....	55
10. Гуласал Шакирова ПОНЯТИЕ И ЭВОЛЮЦИЯ МЕДИАКОНВЕРГЕНЦИИ В ПОЛИТИЧЕСКИХ КОММУНИКАЦИЯХ.....	60
11. Shuxrat Toshturov O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING EKOLOGIYA VA BIOLOGIK RANGBARANGLIKNI SAQLASH SOHASIDAGI XALQARO HAMKORLIGI.....	71
12. Пётр Чублуков РОЛЬ ЗАВОЕВАТЕЛЬНЫХ ПОХОДОВ АЛЕКСАНДРА МАКЕДОНСКОГО В ФОРМИРОВАНИИ КУЛЬТУРЫ ЭЛЛИНИЗМА НА ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ.....	79



Лазизахон Аббасовна Алиджанова,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
“Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш
UNESCO” кафедраси доценти в.б., PhD

ДИНЛАРАРО МУЛОҚОТ ВА БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

For citation: Lazizakhon A. Alidzhanova. NEW UZBEKISTAN AND INTERNATIONAL EXPERIENCE IN PROMOTING INTERRELIGIOUS DIALOGUE AND TOLERANCE. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 12.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18035052>

АННОТАЦИЯ

Мақолада глобал муҳитда миграция, кибермакон таҳдидлари, мафкуравий қарама-қаршилиқлар ва диний радикализм кучайиб бораётган шароитда динлараро мулоқот ва бағрикенгликнинг ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги ўрни таҳлил қилинган бўлиб, Янги Ўзбекистонда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий ва институционал асослари, жумладан тенглик ва виждон эркинлиги кафолатлари ҳамда давлат стратегияларидаги устувор йўналишлар ёритилган. Шунингдек, мамлакатда турли конфессиялар фаолияти учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар мавжудлиги ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий механизмлар келтирилган ҳамда айрим давлатлар тажрибаси билан қиёсий мулоҳазалар асосида бағрикенглик маданиятини кучайтириш инсон қадрини эъзозлаш, ўзгага ҳурмат ва ижтимоий ҳамжиҳатликни барқарорлаштиришга хизмат қилиши очиқ берилган.

Калит сўзлар: динлараро мулоқот, бағрикенглик, виждон эркинлиги, конфессиялараро тотувлик, диний радикализм профилактикаси, маърифат сиёсати, ЮНЕСКО, халқаро тажриба, ёшлар маънавий иммунитет.

Лазизахон Аббасовна Алиджанова,
и.о. доцента кафедры религиоведения и
сравнительного изучения мировых религий ЮНЕСКО,
Международная академия исламоведения Узбекистана, PhD

НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН И МИРОВОЙ ОПЫТ В ОБЕСПЕЧЕНИИ МЕЖРЕЛИГИОЗНОГО ДИАЛОГА И РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется роль межрелигиозного диалога и толерантности в обеспечении социальной стабильности в условиях усиления миграционных процессов, киберугроз, идеологических противостояний и религиозного радикализма в глобальной

среде. Освещены правовые и институциональные основы реформ, реализуемых в рамках «Нового Узбекистана» в данном направлении, включая гарантии равенства и свободы совести, а также приоритеты, закреплённые в государственных стратегиях. Кроме того, представлены организационно-правовые условия для деятельности различных конфессий в стране и практические механизмы, направленные на укрепление межконфессионального согласия. На основе сопоставительных рассуждений с опытом отдельных государств раскрывается, что укрепление культуры толерантности способствует утверждению ценности человеческого достоинства, уважению к иному и укреплению социальной солидарности.

Ключевые слова: межрелигиозный диалог, толерантность, свобода совести, межконфессиональное согласие, профилактика религиозного радикализма, просветительская политика, ЮНЕСКО, международный опыт, духовный иммунитет молодёжи.

Lazizakhon A. Alidzhanova,
Acting Associate Professor of the Department
of Religious Studies and Comparative Studies
of World Religions, UNESCO,
International Academy of Islamic Studies of Uzbekistan, PhD

NEW UZBEKISTAN AND INTERNATIONAL EXPERIENCE IN PROMOTING INTERRELIGIOUS DIALOGUE AND TOLERANCE

ABSTRACT

The article examines the role of interreligious dialogue and tolerance in ensuring social stability amid intensifying global migration, cyber threats, ideological confrontations, and religious radicalism. It outlines the legal and institutional foundations of the reforms being implemented in New Uzbekistan in this area, including guarantees of equality and freedom of conscience and the priority directions set out in national strategies. The paper also highlights the organizational and legal conditions created for the activities of various religious denominations and presents practical mechanisms aimed at strengthening interfaith harmony. Drawing on comparative reflections with the experience of selected countries, the study demonstrates that fostering a culture of tolerance contributes to upholding human dignity, respecting otherness, and consolidating social cohesion.

Index Terms: interreligious dialogue, tolerance, freedom of conscience, interfaith harmony, prevention of religious radicalism, enlightenment policy, UNESCO, international experience, youth spiritual resilience.

Асосий қисм

Инсоният тарихида бу сана тасодифан юзага келмаган. Ғарб ва Шарқ цивилизациялари, турли дин ва маданиятлар ўртасида ҳукм сураётган мураккаб жараёнлар, кескинликлар, геосийсий зиддиятлар фонида бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва мулоқот маданияти бутун дунё барқарорлиги учун энг муҳим стратегик қадриятга айланди. Ҳозирги кунда глобал мухожирлик, кибермақондаги таҳдидлар, мафкуравий қарама-қаршиликлар, диний радикализм каби хавф-хатарлар кучайиб борар экан, ҳар бир мамлакат, ҳар бир жамият ўз келажагини айнан бағрикенглик маданиятини ривожлантириш орқали таъминлаши мумкинлигини англаб етмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар, 16 диний конфессия вакиллари дўстона, тинч-тотув ва ўзаро ҳурмат асосида ҳаёт кечирмоқда. Бу нафақат тарихий анъана, балки узокни кўзлаган, чуқур ўйланган давлат сиёсати натижасидир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган соҳавий ислохотлар жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик маданиятини янада мустаҳкамлаб, Ўзбекистонни нафақат минтақада, балки жаҳон миқёсида ҳам бағрикенглик давлатларидан бири сифатида намоён этмоқда.

Бугунги кунда дунёда тинчлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳамжиҳатлик тамойилларига бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайиб бормоқда. Модернизация, айрим мамлакатларда

кузатилаётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатлари инсоният олдига янги масъулият ва янги вазифаларни қўймоқда. Шу сабабли, Халқаро бағрикенглик кунини кенг нишонлаш — бугунги замон талаби, инсоният ва жамият барқарорлиги учун стратегик аҳамиятга эга саъй-ҳаракатдир.

Мазкур мураккаб глобал шароитда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббус ва раҳбарликларида амалга оширилаётган “Инсон кадри ва манфаатлари учун” деган эзгу ғояга таянган Янги Ўзбекистон сиёсати мамлакатимизда бағрикенглик ва динлар ўртасидаги мулоқот маданиятини тамоман янги босқичга олиб чиқди. Янгиланган Конституциямизда миллати, тили, динидан қатъи назар барча фуқароларнинг тенглиги, инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қабул қилиниши эса мамлакатимиз ривожланиш мақсадларининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғун эканини яна бир бор тасдиқлади.

Президентимиз таъкидлаганидек: *“Биз азалдан турли миллат ва дин вакиллари бир оиладек ижод ва меҳнат қилган, меҳмондўстлик, самимият, инсонпарварлик ва бағрикенгликни азалий қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтказиб келган халқимиз”*. Бу сўзлар тарихий ҳақиқатдир. Минг йиллар давомида турли дин вакиллари бир заминда, бир ҳаво остида, бир халқдек яшаганини халқимиз ҳаёти, маданияти, адабиёти ва дини мисолида кўрамыз. Бу анъана бугунги кунда ҳам давлат сиёсатининг асосий устунига айланган.

Янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида диний ташкилотлар ва диний соҳа вакилларининг жамият ҳаётидаги иштироки кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2356 та диний ташкилот фаолият юритмоқда, уларнинг 2159 таси исломий, 197 таси эса бошқа конфессияларга тегишли. Бу рақамлар халқимизнинг диний эҳтиёжлари эркин қондирилаётгани, турли конфессиялар фаолияти учун барча ҳуқуқий, ташкилий ва маънавий шароитлар яратилганидан далолат беради.

Шу билан бирга, БМТ томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг 2020 йилда қабул қилиниши мамлакатимизнинг глобал майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлади. 2019 йилдан бошлаб 16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик кунини Ўзбекистонда “Бағрикенглик ҳафталиги” сифатида кенг нишонланиши, 2023 йилдан эътиборан диний соҳа ва жамият ўртасида бағрикенгликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган фидойи инсонлар “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони билан мукофотлана бошлагани бу соҳадаги ислохотлар кенг миқёсда олиб борилаётганини кўрсатади.

2023 йил 19 сентябрь кунини БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида Президентимиз томонидан билдирилган таклиф — ЮНЕСКО шафелигида **Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш ташаббуси** — бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш ва қўллаб-қувватлаш билан қабул қилинмоқда. Бу марказ нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақада тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги глобаллашув даврида ёшлар турли радикал ва бузғунчи ғояларнинг асосий мақсадига айланиб қолмоқда. Шу боис уларда маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш, қалби ва онгида соғлом эътиқодни қарор топтириш, ватанпарварлик ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар бир дин инсонни ирқи, тили, эътиқодидан қатъи назар яхшиликка, эзгуликка, инсоф ва адолатга чорлайди.

Жаҳон амалиётида диний бағрикенглик ва конфессиялараро мулоқот борасида эришилган ютуқлар ҳамманинг диққат марказида бўлиши табиийдир. Масалан, Индонезияда “Панчашила” тамойиллари давлатнинг бутун мафкуравий пойдеворини белгилаб, “Хилма-хилликдаги бирлик” ғоясини амалиётга татбиқ этди. Бу мамлакатда юзлаб миллат ва 245 дан ортик анъанавий эътиқодларга қарамай, давлатнинг барча фуқароларга тенг муносабати ва “Динлараро тотувлик форуми” каби институтлар фаолияти орқали жамиятда мустаҳкам хотиржамлик муҳити вужудга келган. Шунингдек, Сингапурда қабул қилинган “Диний тотувликни таъминлаш тўғрисида”ги қонун, “Динлараро ташкилот” каби нуфузли майдонлар ва таълим тизими орқали ёш авлод онгига бағрикенглик маданиятини сингдириш амалиёти

самарали натижа бермоқда. Бугунги кунда бу давлатда юздан ортиқ конфессия вакиллари бир юрт фуқаролари сифатида ўзини тенг ҳуқуқли ҳис қилиб яшамоқда.

БАА тажрибаси эса ўзига хос тажриба бўлиб, 2016 йилда дунёда илк бор ташкил этилган “Бағрикенглик вазирлиги”, Папа Франциск ва Шайх Аҳмад ат-Таййиб томонидан имзоланган “Инсоний биродарлик хужжати”, шу асосда таъсис этилган “Инсоний биродарлик Қирол Зайд мукофоти” каби ташаббуслар глобал даражада инсоний ҳамжихатлик ғоясини янги босқичга кўтарди.

Канадада эса 1971 йилда қабул қилинган “Кўп маданиятли сиёсат” миллий давлат концепцияси сифатида барча маданият ва динларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаб, фуқаролик бирдамлигининг мустаҳкам пойдеворини яратди. Ушбу тажрибаларнинг ҳар бири биз учун муҳим бир хулосани таъкидлайди, яъни **дунёда тинчликни таъминлашнинг энг ишончли йўли — инсон, унинг қадри, вуждон эркинлиги ва ўзгага ҳурмат билан қараш маданиятини юксалтиришдир.**

Айни шу жараёнларда Янги Ўзбекистон модели ҳам ўзининг муваффақиятли йўлини шакллантирди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида “Инсон қадри учун” тамойили давлат сиёсати пойдеворига айланди. Конституциямизда виждон эркинлиги кафолатлари янада кучайтирилди, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун замонавий демократик талаблар асосида янгиланди. Диний мафкуранинг софлиги, миллий манфаатлар, жамият хавфсизлиги ва инсон ҳуқуқларининг бир бутун тизим сифатида уйғунлашгани бугунги давлат сиёсатининг асосий хусусиятларидан биридир. Бу жараёнда Олий таълим муассасалари, хусусан, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий марказлари диний бағрикенглик ва илмий мероснинг илмий асосларини чуқур тарғиб қилмоқда. Бу марказлар фақат тарихий меросни ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, глобал илмий мулоқотга ҳам фаол қўшилиб, замонавий диний таҳдидлар, радикализм ва ёт ғояларга қарши илмий-амалий ечимлар таклиф қилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам айни мана шу бағрикенглик тамойили асосида ортиб бормоқда. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилаётган конференциялар, БМТ доирасида қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси, “Бухоро декларацияси”, “Самарқанд халқаро тинчлик форуми” каби ташаббуслар мамлакатимизни тинчликпарвар давлат сифатида намоён этмоқда. Айниқса, турли конфессиялар вакиллари, мутахассислари, илмий доираларни бирлаштирган мулоқот майдонлари Ўзбекистонни минтақа миқёсида эмас, балки глобал даражада аҳамиятга эга интеллектуал марказга айлантирди десак, муболаға бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дунё тажрибаси — Индонезия, Сингапур, Канада ёки БАА моделларининг ҳар бири бизнинг миллий йўлимизга маълум маънода уйғун. Индонезиядаги “Хилма-хилликдаги бирлик” ғояси — бизда “Ягона Ўзбекистон халқи” тушунчаси билан ҳамоҳанг. Сингапурдаги қатъий ҳуқуқий кафолатлар — биздаги қонунчилик ислохотлари билан бир мақсадга хизмат қилади. БААдаги бағрикенглик вазирлиги — Ўзбекистоннинг маърифат ва бағрикенглик борасидаги глобал ташаббуслари билан уйғун. Канададаги кўп маданиятлик сиёсати эса юртимизда 130 дан зиёд миллат, ўнлаб дин ва эътиқод вакиллариининг тотув яшаши билан реал амалиётда ўз тасдиғини топмоқда.

Бу каби ютуқларнинг барчаси аввало маърифат, тарбия ва таълим билан чамбарчас боғлиқдир. Динлараро тотувликни таъминлашнинг энг ишончли йўли ёш авлод онгига ўзгага ҳурмат билан қараш, миллий ва диний қадриятларни тўғри англаш, глобал сиёсий жараёнларга оқилона муносабатни шакллантиришдан бошланади. Бугун мактабларимизда, олий ўқув юртларимизда, илмий марказларимизда ана шу ёндашув асосида билим ва тарбия берилаётгани Янги Ўзбекистоннинг энг муҳим стратегиясига айланган.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, бағрикенглик — бу бир кунлик ёки бир йиллик дастур эмас. У — миллат камолотининг мезони, давлат барқарорлигининг таянчи, глобал хавфсизликнинг кафолати, инсониятнинг умумий келажагига қўшиладиган энг

қимматли ҳисса. Биз бугунги турли кутбларга бўлиниб кетаётган дунёда бирлаштирувчи, тинчликка етакловчи, мулоқотга чорловчи ғояларни илгари суришга муҳтожмиз. **Янги Ўзбекистон — бағрикенглик ва ҳамжихатликни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ҳаётга татбиқ этаётган мамлакатдир. Бағрикенглик ўзбек халқининг узвий қадрияти, давлат сиёсатининг асосий тамойили ва Янги Ўзбекистоннинг стратегик танловидир.** Чунки тинчлик эртанги куннинг пойдевори, бағрикенглик юрт тараққиётининг кафолати, ҳамжихатлик мамлакат барқарорлигининг энг муҳим мезонидир.

Фойдаланилган адабиётлар ва сайтлар

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси. (2018). *Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисидаги* резолюция (A/RES/73/128). БМТ расмий ҳужжатлар базаси.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. (1996). *Бағрикенглик халқаро кун* тўғрисидаги резолюция (16 ноябрь)
3. Ўзбекистон Республикаси. (2023). *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси* (янги тахрир). Тошкент: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (Lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси. (2021). *Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун*. Тошкент: Lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2023, 11 сентябрь). *Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида* (ПҚ–158-сон). Тошкент: Lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2023, 20 сентябрь). БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзланган нутқ.
7. ЮНЕСКО. (1995). *Бағрикенглик тамойиллари декларацияси*. Париж: ЮНЕСКО.
8. ЮНЕСКО. (2025). *International Day for Tolerance (16 November)*.
9. Папа Франциск, & Ат-Таййиб, А. (2019). *Инсоний биродарлик тўғрисидаги ҳужжат: тинчлик ва бирга яшаш йўлида*. Абу-Даби: Ватикан расмий нашри.
10. Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати. (2024). *Бағрикенглик ва инклюзивлик сиёсати*. БАА расмий давлат портали.
11. Esposito, J. L. (2011). *Religion and global affairs*. New York: Oxford University Press.
12. Fox, J. (2016). *Political secularism, religion, and the state*. Cambridge: Cambridge University Press.
13. Habermas, J. (2006). *Religion in the public sphere*. *European Journal of Philosophy*, 14(1), 1–25.



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000